



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 7 сентябрь, № 176 (5596)

Жума



ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 6 сентябрь куни расмий ташриф билан Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида тури соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

Остона, 6 сентябрь. ЎзА махсус муҳбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Остонага келди. Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон пойтахтида икки давлат раҳбарларининг суҳбати бўлиб ўтди.

Дастурга биноан ташрифнинг асосий воқеалари 7 сентябрга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунида икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА).

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

Эътироф

Яқинда халқимиз энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини улкан муваффақиятлар билан қарши олди. Таъкидлаш керакки, ўтган давр ичида эришилган ютуқлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва янгиланишлар кўплаб хорижий таҳлилчилар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бунёдкорлик ва янгиланиш

барча соҳаларда эришаётган ютуқларимизда намён бўлмоқда

Байрам арафасида Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги ҳалол ва фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссалари учун бир гуруҳ турли соҳа вакиллари Президентимизнинг Фармонида кўра, юксак давлат мукофотлари билан тақдирланишди.

Қисқача айтганда, ўтган hafta шундай ёрқин ва қувончи воқеаларга бой бўлдики, улар Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди, албатта. Хусусан, В. Воҳидов номидаги Республика иқтисодлаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуаси ҳамда энг замонавий талабларга жавоб берадиган “Бунёдкор” стадионининг очилиши Мустақиллик солномасида янги саҳифа бўлди. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида аждодларимизга эҳтиром кўрсатилиши, бош майдондаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул кўйилиши эса халқимизнинг бебаҳо неъмат — Истиклолни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга бўлган интилишини ифода этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ҳам hafta-нинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Зеро, парламент фаолияти мустақил тараққийёт даврида кўлга киритилган барча ютуқлар, аввало, мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворга асосланганини кўрсатади. Таъкидлаш керакки, давлатимизнинг ташқи сиёсати, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг янги босқичидаги вазифалар билан боғлиқ амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қонунлар маъқуллиди. Сенат воқолатига кирувчи яна бир қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ялпи мажлисда муҳокама этилган ўта муҳим дастуриламал ҳужжат, бу — Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Таъқиқ фаолияти концепциясидир. Унда мустақилликнинг дастлабки қунларидан бошлаб олиб борилаётган ташқи сиёсат стратегиясининг асосий тамойиллари умумлаштирилган, шу билан бирга, айни пайтда дунёда юз бераётган кескин жараёнларни ҳисобга олиб, йилгирма йилдан ортиқ давр мобайнида тўлланган амалий тажрибига асосланган мутлоқ янги қоидалар ўз аксини топан.

Сенаторлар таъкидлаганидек, Концепция келажакда давлатимизнинг ташқи сиёсатини муваффақиятли олиб бориш учун янги имкониятларни очиб беради. У Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги манфаатлари устуворлигини таъминлайди ва уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қамолати бўлиб хизмат қилади. Зеро, ушбу ҳужжат давлат ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини, ўрта ҳамда узок муددатли истиқболда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш механизmlарини белгилаб беради. Концепциянинг аҳамияти ташқи сиёсат борасида доктринал ҳужжат эканлиги билангина чекланиб қолмай, балки у жуда муҳим сиёсий, илмий-назарий, методологик ва тарихий аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

Янги Сейсмология Станцияси Очилди

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузурдаги Сейсмология ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги марказида Сейсмология станцияси очилди.

Тадбир

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, олимлар, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Турин политехника университети биринчи проректори К. Шарипов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан илм-фанни ривожлантириш, янги иштиролардан амалда оқилна фойдаланиш, сейсмология соҳасида ҳам илгор технологияларни ўзлаштиришга қаратилган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Фермерлар учун яна бир қулайлик

Жорий йилнинг биринчи ярмида республикаимизда мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган 6,3 минг тонналик сифимга эга

22 та янги совитиш камераси ишга туширилди.

Бу замонавий омборхоналар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида бунёд этилиб, деҳқон ва фермерларимиз томонидан етиштирилган ноз-неъматларни сифатли сақлаш, уларни элимиз дастурхониغا йил давомида арзон нархларда тақдим этишга хизмат қилади.

Бир рақам шарҳи

Дунё нигоҳи

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусига бағишланган халқаро конференция хорижий

Бартломью Витек:

«Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдормиз»

Хусусан, Британиянинг “Pathfinder Trade & Invest” консалтинг компанияси ижрочи директори, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраисининг ўринбосари Майкл Томас бундай анжуманларнинг ўтказилиши ўзаро тажриба алмашиш, янги фойдали маълумотларни қўлга киритиш ва уларнинг натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш нуктаи назаридан жуда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Буюк Британия билан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлигининг истиқболлари хусусида тўхталар экан, М. Томас бугунги кунда мамлакатимизда Бри-

тания компанияларининг фаолияти учун кенг имкониятлар мавжуд эканлигини қайд этди. “Бизнесни бошқариш учун янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш лозимлиги ҳозирги вақтда замоннинг талаби ҳисобланади. Бу йўналиш халқаро ҳамкорлик, тажриба алмашишда устувор ўрин тутгани ҳолда, ўзаро алоқалар самардорлигини оширади. Яқинлашиб келаётган халқаро конференция Британия ва дунё тадбиркорларининг имкониятларини намён этиш учун жуда қулай ва самарали минбар сифатида хизмат қилади, деган умиддаман. Биз Ўзбекистон билан бу йўналишдаги ҳамкорликка тайёрмиз”, деди у.

Халқаро анжуманнинг яна бир иштирокчиси — Нидерландиядаги Фонтис университетининг фахрий профессори, “Интервин консалтенс” компанияси президенти Сеес Корнели Ладаж таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Унинг фикр билдиришича, Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор мамлакатимизнинг изчил ва барқарор тараққиётига хизмат қилмоқда. Эксперт конференция иши чоғида унинг қатнашчилари томонидан ушбу соҳани янада тараққий топтиришга қаратилган қўнунчилик асосини такомил-

лаштириш борасида янги ғоялар таклиф қилинишига умид билдирди.

— Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти тузилмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этиши давлатингиз иқтисодиёти аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда тараққий этаётганидан далолат беради, — дея алоҳида таъкидлади С. Ладаж. — Бу рақамлар келажакда янада ортиб боришига ишончим комил. Конференция чоғида эришилаётган келишувлар ва тақдим этиладиган илмий ишланмалар эса бу жараёни тезлаштиришга қўмаклашди.

(Давоми 2-бетда).

Манзилли Ижтимоий Ҳимоя

Маҳаллаларда ушбу масалага асосий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Унинг асосий тамойилларидан бири — кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш, яъни кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кекса ва ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларга моддий-маънавий ёрдам бериш масалаларига кенг эътибор бериб келинаётир.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Бунда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, юртимиздаги 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти салмоқлидир.

Бошқача айтганда, бугун маҳалла томонидан иқтисодий ночор оилалар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар аҳолини ўрғаниб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, Саховат, Мурувват ва Меҳрибонлик уйлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Муҳими, бу ҳаракатлар изчил давом эттириляётир. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотлар-

ни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бу масканни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилган кенг чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинаёпти. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги “Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибин янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида”ги қарори ҳам ушбу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

Ислоҳот

Она заминимизда етиштирилган ноз-неъматларнинг таъриф ва тавсифи етиб бормаган юрт бўлмаса керак дунёда. Айниқса, хуштаъм меваларимиз, дармондориларга бой сабзавотларимизни полиз маҳсулотимиз хорижликлар дастурхонида ҳам зеб бераётганини эшитганимизда, беихтиёр ғуруримиз ошади.

Жаҳон бозорига йўл

Истиқлол йилларида яратилган қулай шарт-шароитлар деҳқонларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Бундан 15-20 йиллар олдин деҳқонларимиз етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг пайкал бошидан дунё бозорига жўнаб кетган, тасавурига ҳам сиғдира олмадик. Етиштирилган мўл ҳосилнинг катта қисми эътиборсизлик, қолаверса, тармоқда қайта ишлаш саноатининг йўлга қўйилмагани боис, даланинг ўзида нест-нобуд бўларди. Бугунги кунга келиб эса, саноатнинг қайта ишлаш тармоғи

ривожланиши билан экспорт салоҳиятимиз ҳам юксалиб бормоқда.

Масалан, айни пайтда Қашқадарё вилоятида тайёрланган рақобатбардош маҳсулотлар 65 мамлакатга экспорт қилинмоқда. Худудий экспорт ва инвестиция дастурларининг изчил рўёбга чиқарилиши натижасида жорий йилнинг 6 ойида вилоят умумий ташқи савдо айланмаси 273,9 миллион долларни ташкил этиб,

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик ва янгиликлар

барча соҳаларда эришадиган ютуқларимизда намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Юқори палата аъзолари, шунингдек, "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу юксак давлат мукофоти уларни Ватан ҳимояси учун бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқароларни муносиб тақдирлаш мақсадида таъсис этилди. Бу эса, ўз навбатида, кучи ва имкониятларини ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тинч, осуда ҳаёти ҳамда ёрқин келажаги учун сафарбар қилувчи инсонларнинг фидойилиги давлатимиз томонидан нечоғлиқ қадрлигини кўрсатади.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республи-

каси Марказий банкнинг 2011 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Унда қайд этилишича, банк тизимида олиб боришган ишлар мамлакат иқтисодийнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан инфляция даражаси ва миллий валюта курсининг тасдиқланган параметрлар доирасида таъминланиши, етарли захира маблағини шакллантириш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш, иқтисодийнинг реал секторини, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, инвестиция жараёнларида иштирок этиш каби вазифалар изчил амалга оширилди. Буларнинг барчаси ривожланган дав-

латларга ўзининг салбий таъсири ҳали-ҳануз ўтказиб келаётган глобал молиявий инқироз шароитида ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда катта роль ўйнади. Мамлакатимизнинг инқироз таъсиридан сақлаб қолган омишлардан бири айнан банк тизимининг барқарор эканлиги нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Бугунги кунда тижорат банклариимизнинг аксарият қисми "барқарор" рейтингига эга. Сенаторлар фикрича, бу ҳам мустақиллик ютуқлари қаторида фахрланса арзигулик муваффақиятдир.

Тўққизинчи ялпи мажлисининг ўзига хошлиги шундан иборат бўлдики, унда Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва сав-

до вазирлигининг мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича олиб борган ишлари масаласида парламент эшитуви ўтказилди. Тақдим этилган ахборотда таъкидланишича, минтақавий инвестиция дастурларининг аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда ва уларни ижро этиш асосида вилоятларда янги-янги хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар барпо этилаётди. Мисол тариқасида Тошкент, Сирдарё, Бухоро, Наманган, Сурхондарё вилоятларида иш бошлаган энгил санаат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар келтириб ўтилди. Инвестицияларни жалб этишда аъна-

вий равишда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, бизнес-форумларнинг ўрни катта экани ҳам қайд этилди.

Парламент эшитувида Сенат аъзолари берган қатор саволларга батафсил жавоблар олинди. Умуман олганда, мамлакатимиз худудларини хорижий инвестиция жалб қилиш орқали ривожлантиришдек долзарб мавзу бугун ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Бу масаланинг парламент юқори палатасида муҳокама этилиши эса жуда муҳим. Айнан минтақалар манфаатини ҳимоя қилувчи палата сифатида Сенат вазиятни чуқур таҳлил қилди ва уни янада яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқди.

Палатанинг тўққизинчи ялпи мажлисида 20 дан ортиқ масала кўриб чиқилди. Ушбу тадбирда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Машқура ЗОҲИДОВА.

Бартломью Витек:

«Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдормиз»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бельгиядаги «ВIEВU-УСК» компаниясининг бошқарувчиси Бартломью Витек ўзи фаолият кўрсатаётган компания шиадан турли маҳсулотлар, жумладан, ҳар хил идишлар, гулдонлар ва бошқа буюмлар тайёрлаш учун мўлжалланган технология жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилгани, ҳозирги пайтда компания дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатига ўз технологияларини етказиб бераётганини маълум қилди.

Б. Витек ўзбекистонлик тадбиркорлар билан алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини алоҳида қайд этар экан, Тошкент халқаро анжуманидаги иштироки чоғида ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли, ўзаро манфаатли амалий алоқаларни ўрнатилган умид қилаётганини айтди.

— Бугун Ўзбекистон дунёнинг энг жадал ривожланаётган мамлакатларидан биридир, — деди у. — Мамлакатингиз саноати юксак тараққи топан давлатларнинг сафидан жой олиш учун яхши имкониятларга эга. Ялпи ички маҳсулотнинг йилга 8 фоиздан ортиқ ўсиши суръатлари, миллий иқтисодиёт тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг катта эканлиги, саноат соҳасининг тобора юқалиб бораётгани ва бошқа муҳим кўрсаткичлар ана шундай хулоса чиқаришга имкон беради.

Сўхбат якунида Б. Витек Ўзбекистон халқини бельгиялик ишбилармонлар номида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги билан самимий қутлар экан, юрт тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга муваффақиятларни тилади.

«Жаҳон» АА.

«Lex.uz»:

Имкониятлар кенгайди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Унда ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар республикамизда қабул қилинган қонунлар, кодекслар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳамда бошқа ҳужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, умуман олганда, 25 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат жойлаштирилганлиги ҳам шундан далолатдир. Эътиборлиси, ушбу миллий тизимга бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий қарорларини киритиш ишлари ҳам олиб боришмоқда.

Тадбирда ушбу миллий тизимдан фойдаланувчилар учун яратилаётган қўлайликлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2010 йил 1 январдан бошлаб Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан бепул фойдаланиш жорий этилди. Шунингдек, сўнгги йилларда мобиль алоқа воситалари орқали интернет хизматидан фойдаланишни оммалашиб бораётганлиги хисобга олинди, «Lex.uz»нинг интернет мобиль версияси ҳам яратилди.

Матбуот анжуманида журналистлар саволларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Ш. ХОЛТЎРАЕВ.

Фаровон ҳаёт шуқуқи

Бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, аънаваларини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун барча имконият яратиб берилган.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилгани ҳам бағрикенгликнинг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, юртимизда самарали фаолият юритаётган бир юз қирқдан зиёд миллий маданий марказлар ўз халқларининг аънавалари, маросимларини Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллари ақиндан таништириш, қолаверса, ўзбек халқининг маданияти, санъати, тили, урф-одатларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Ва ўз ўрнида бу сарой-харакатлар миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Марат УКУБАЕВ, Республика қозоқ миллий маданий маркази раҳбари:

— Биз шу азиз дийрда яшаб, ўзбек халқи билан оғанини, дўст-биродар бўлдик. Кўп миллатли бағрикенг юртимизга эл бўлиб, озод ва обод, муқаддас Ватанимизда бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшамоқдамиз. Айни пайтда марказимизнинг Тошкент шаҳри ва 8 та вилоятда филиали ишлаб турибди. Жойларда қозоқ тилига а ихтисослаштирилган бир қанча мактаблар фаолият юртимокда. Улар етарли ўқув дарсликлари ва адабиётлари билан таъминланган. Шунинг-



дек, университетларда қозоқ тили йўналиши бўйича педагоглар тайёрладиган факультет ҳамда кафедра мавжуд. Телевидениеда мунтазам махсус дастур эфирга узатишмоқда, қозоқ тилида алоҳида газета чоп этилаётти. Биз миллий байрамларимиз, маданий тадбирларимизни ҳам эмин-эркин нишонламоқдамиз. Бундан ташқари, турли аънаваний кўрик-танловларни кўтаринки кайфиятда ўтказаямиз, қозоқ халқининг кўзга кўринган ёзуви ва адабиёти билан учрашувлар ташкил этаямиз. Буларнинг барчаси

Ўзбекистонда миллатларо туювлик ва бағрикенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Назокат АРИПОВА, Республика байналмилал маданият маркази ахборот-методик бўлими бош мутахассиси, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Бағрикенглик, олижаноблик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик — бу халқимизга хос эзгу фазилатлардир. Бундай қадриятлар, айниқса, истиқлол йилларида Президентимиз

4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавалари ҳурмат қилинишини таъминлашди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди» деб қайд этилган бўлса, 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир-

лар» деб белгилаб қўйилган. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиздаги миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1992 йил январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. У жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатларо туювликни мустаҳкамлаш, миллий ва умумбашарий аънаваларни янада раванг топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга ҳисса қўшиб келмоқда. Жойларда аънаваний тарзда ўтказилаётган маънавий-маърифий анжуманлар, конференциялар, дўстлик фестиваллари, кўрик-танловлар, концерт дастурлари ҳамда турли кўргазмалар шулар жумласидандир. Масалан, мустақиллигининг 21 йиллиги ва Мустақам оила йили муносабати билан барча вилоятларда «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила», «Мустақам оила мамлакат таначи», «Миллатларо туювлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омил» мавзuida тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, зўр уюшқоқлик билан ўтказилаётган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивали миллатларо туювлик, бағрикенглик каби умуминсоний фазилатларнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилаётди.

Юртимизда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Президентимиз Фармонига биноан, «Дўстлик» ордени билан таъдирландим. Камтарона меҳнатларим эвазига берилган бу юксак баҳо ўз ишимга янада маъсулият билан ёндашишга ундайди.

Шаҳина ЖЎРАЕВА ёзиб олди.

Манзилли ижтимоий ҳимоя

Маҳаллаларда ушбу масалага асосий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Яқинда жойларда ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган худудий ўқув-семинарлар ташкил этилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда Молия вазирликлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ўқув-семинарларда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда масъул котиблари иштирок этди. Семинарлар чоғида қарорнинг мазмун-моҳияти билан бирга, «Мустақам оила йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2012 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини бажаришда фуқаролар

ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. — Худудий ўқув-семинарлар намунали ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Айниқса, бу ўқувлар фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган ходимлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш, бошқарувчилик маҳоратини оширишга қаратилгани билан жуда аҳамиятлидир. Бундай семинарларни сентябр ойида туман ва шаҳарлар микёсида давом эттиришни режалаштирганмиз. Тадбирлар доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан нашр этилган услубий қўлланма юртимиздаги барча фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига етказиб берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги сейсмология станцияси очилди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мамлакатимизда биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, зилзилаларни ўрганиш ва прогноллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сейсмик жараёнларни моделлаштириш, зилзилаларни баҳорат қилиш ва оғоҳлантириш, замонавий муҳандислик иншоотлари ва мезморий ёдгориқларни сейсмик ҳимоялаш соҳаларида кенг изланишлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган кўп тармоқли

сейсмология станциялар фаолият юритмоқда. Улар орқали олинган маълумотлар тўплашиб, таҳлил қилинади, дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги сейсмик хизматлар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси олиб борилаётган тадқиқотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Ушбу сейсмология станцияси Ўзбекистон билан Япония ўртасида мустаҳкамлаб бораётган яқин ҳамкорликнинг амалий натижасидир, — деди Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мамлакатимиздаги ва-

колатхонаси раҳбари Эжири Юкихоки. — Мазкур станция Ўзбекистонда замонавий сейсмология янада ривожлантириш, соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилишига ишонамиз.

Сейсмология ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу станция сейсмик фаолликни мониторинг қилиш рақидаси кенглиги бўйича Марказий Осиёда энг ноёб ҳисобланади. Станция Евроосиё қитъаси катта қисмининг сейсмик фаоллигини кузатиш имконини беради.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 118,4 фоиз ўсишга эришилгани, бунда товарлар экспорти 198,5 миллион АҚШ долларини ташкил этгани қувонарлидир. Эътиборлиси, бунинг асосий қисми мева-сабзавот маҳсулотларидир.

— Ҳар бир юртининг ўз иқлим шароитига мос ноз-неъматлари бор, — дейди китоблик фермер Сирожиiddин Қаюмов. — Масалан, Малайзия ўзининг мангоси билан машхур. Маълумотларга кўра, биргина ана шу мевадан етти хил маҳсулот тайёрланар экан. Ҳиндистон тропик мевалари билан дунёга танилган. Таиландда эса папая деган дарахт бор. Унинг меваси ўзимизнинг қовунини эслатади. Юртимизда етиштирилаётган меваларнинг ҳам саногига етиш қийин. Уларни Осиёдан ташқари Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилиш учун бизда имконият кенг, шартнолар етарли. Хусусан, жорий йилнинг март ойида Таиландда бўлиб ўтган халқаро мева-сабзавот ярмаркасида иштирок этиб, заманимизда етиштирилган ноз-неъматлар дунё ахлини ҳайратга солганига гувоҳ бўлдик.

Дарҳақиқат, жаҳон бозорига чиқиш учун юртимиз ишбилармонларига яратилаётган имкониятларга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. Хусусан, бунда хорижий ҳамкорлар билан алоқалар кенгаётгани кўл келаяпти. Жумладан, жорий йилда воҳа ишбилармонлари Хитойнинг Пекин, Урумчи, Шанхай шаҳарларида бўлиб, улардан 65 нафар умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларлик замонавий ускуналар харид қилишди. Пировардида экспорт ҳажмининг янада оширишга пухта замин ҳозирланди.

— Бугун фермерларимиз нафақат миришор, балки тадбиркор ҳам бўлишлари керак, — дейди Муборак туманидаги «Азамат» фермер ҳўжали-

ги раиси Абдижаббор Хайтов. — Ваҳолонки, илгарилари мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 80 фоиздан зиёди мутлақо қайта ишланмасдан республика ташқарисига чиқарилган экан. Бугун эса қанчалик фермер ҳўжалиги ҳам ўз маҳсулотини ўзи қайта ишлашга, экспорт қилашга. Ҳозир ҳўжалигимиз қошида макарон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цех ва балиқчилик тармоғи фаолиятини ҳам йўлга қўйганмиз. Ўзимиз етиштирган маҳсулотни ўзи-

тўқинлиги таъминлиниши баробарида, оилаларнинг иқтисодий фаровонлиги ҳам ортиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг биринчи ярмида умумий экспорт пахта толасининг улуши энг кўп, 51 фоизни ташкил этган. Шунингдек, қимм ва пластмасса маҳсулотлари 29,4 фоиздан 29,8 фоизга, хизматлар экспорти 1,3 фоиздан 1,5 фоизга ошган. Импорт товарлари тизимида эса машина ва ускуналар 52,6 фоиздан 84,2 фоизга кўпайган. Ёнбобарин, худудий корхоналар томонидан 2012 йил январь — июнь ойлари учун белги-ланган 6,4 млн. АҚШ доллари миқдоридида экспорт прогнози амалда 104,5 фоизга бажарилган ёки 6,7 млн. АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотлар четга сотилган. Бу, асосан, қайта

Жаҳон бозорига йўл

Истиқлол йилларида яратилган қулай шарт-шароитлар деҳқонларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилаётди.

мизда қайта ишлаяпмиз. Технологийларимизнинг барчаси илгор ҳамда тежамкор. Шу боис ички ва ташқи бозорда ўз ўрнимизни тобора мустаҳкамлаб бораёпмиз.

— Илгари картошка юртимизга фақат четдан келтирилган эди, — дейди Китоб туманилик фермер Олим Темиров. — Ҳозир эса ушбу маҳсулотнинг ички эҳтиёждан ортан қисмининг четга сотаяпмиз. Биз ҳам жамоамиз билан бирга 3 гектар майдонга картошка экканмиз. Голландия уруғидан кўпайтирилган бу нав ташқи бозорда жуда харидориги хисобланади.

— Туманимизда 43 мингдан зиёд хонадон бўлса, уларнинг аксарияти мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш билан шуғулланишди, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди Китоб тумани бўлими раиси Жаббор Раҳмонов. — «Қайнарбулоқ», «Богбон» қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли Сурум, Пахтаобод, Бешқозоқ, Бештерак каби маҳаллаларда картошка ва сабзавот етиштирилмайдиган хонадонни топиш қийин. Албатта, бу орқали бозорларимиз

ишланган мева-сабзавот, тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда турли хизматлар ҳиссасига тўри келади.

Жорий йил якунига қадар қўшимча экспорт ҳажмининг кўпайтириш мақсадида «2012 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши янада кенгайтириш ва ички истеъмол бозорини тўлдирish» дастурига мувофиқ, мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ҳажмининг ошириш ва истеъмолдан ортинча маҳсулотларнинг нест-нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида худудий корхоналарнинг мавсумий экспорт фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Россия давлатига мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш учун Китоб туманидаги «Вигет импекс» масъулияти чекланган жамиятида 10 миллион АҚШ долларлик, Қосон туманидаги «Бону Косметикс» корхонасида 2 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланди. Бу эса экспорт ҳажмининг кўпайтириш ҳамда валюта тушумини 2 миллиондан 5 миллион АҚШ долларига чаддириши имконини беради.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро томонларда

Вобкентлик Шафот Жўраева мустақиллигимизнинг 21 йиллиги шодиёналарини янги меҳнат жамоасида қўриб олди.

Байрамга муносиб туҳфа

У байрам арафасида фаолият бошлаган «Кумушкент ипаги» масъулияти чекланган жамиятининг ишчисига айланди. Корхона банкдан олинган 350 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бўлиб, йилига 200 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга. Кенг ва ёруғ чехларда айни пайтда Шафот сингарии ёшларнинг олтинчи нафари меҳнат қилмоқда. Айтиш ўринлики, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда ана шундай бизнес лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли 2183 та иш ўрни яратилди.

Маҳсулот тури кўпаяди

Когон туманида фаолият кўрсатаётган «Сарбон плюс карвон» хусусий корхонасида қурилишбоп ашё — битумли мастика ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лойиҳани амалга ошириш учун банкдан 125 миллион сўм миқдорида кредит олинди. Ушбу маблағ эвазига зарур ускуналар харид қилинди. Корхона тадбиркорлари йил охирига қадар яна икки турдаги қурилишбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ниятда.

Айтиш жоизки, айни кунда туманда 1600 дан кўпроқ тадбиркорлик субъекти барқарор фаолият кўрсатаётти. Улар томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида 37 миллиард сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари тайёрланди.

Минитехнология афзаллиги

Замонавий технологик линиянинг ишга туширилиши «Машхур Бобур» корхонасида тайёрланаётган нон ва қандолатчилик маҳсулотлари бозорининг чаққон бўлишини таъминламоқда.

Коракўл туманида фаолият кўрсатаётган мазкур фирма тадбиркорлари янги минитехнология учун 17,5 минг АҚШ долларлик сармоа сарфлашди. Йилга 584 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга мазкур корхонада барча ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ компьютер ёрдамида бошқарилади.

Айтиш жоизки, жорий йилда вилоят бўйича барча дастурлар доирасида жами 472 та бизнес лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ўтган олти ойда уларнинг 251 таси ҳаётга татбиқ этилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Жиддий рақобатга киришди

Жанубий Кореянинг "Samsung" компанияси планшет компьютерлари бозоридagi мавқеини мустаҳкамлашга жиддий аҳд қилган кўринади.

Чунки компания тез-тез янги, тақомиллаштирилган махсулот турларини харидорлар эътиборига ҳавола этмоқда. Хусусан, "Galaxy Note 10.1" — ана шулардан навбатдигиси. Бу компьютер тўрт ядрели процессор, икки гигабайт оператив хотира ва бир вақтнинг ўзида экранда иккита амални бажариш имконини берувчи стилус қурилмаси билан жиҳозланган.

Экспертларнинг таъкидлашича,

"Samsung" шу йўл билан планшет компьютерлари бозорида АҚШнинг "Apple" компанияси билан рақобатга киришмоқчи. Аммо бунга эришиш осон эмас. Сабаби, "Apple" яққол устунликка эга. Масалан, у жорий йилнинг январь — июль ойларида қарийб 29 миллион дона планшет компьютерларини сотишга муваффақ бўлди. "Samsung"да эса бу кўрсаткич 4,4 миллион донани ташкил этди.

Рекорд даражага етди

Август ойида Испания меҳнат биржаларида рўйхатдан ўтганлар сони 38 минг кишига кўпайди. Шу тариқа мамлакатда ишсизлик даражаси навбатдаги рекорд кўрсаткич — 4 миллион 630 кишига етди.

"Бугун, ҳатто, университет ёки аспирантурада ўқиган дипломли кишилар ҳам иш топа олмаётгани", дейди 30 ёшли ишсиз физик Эдуардо Меилан.

Айтиш жоизки, Испанияда молиявий-иктисодий инқироз, беш йилдирки, ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ, фуқаролар ишсизлик учун икки йил мобайнида давлат томонидан ажратиладиган ёрдам пулларини олиб туриш ҳуқуқига эгалар. Шундан кейин эса фақат қашшоқлик учун ҳар ойда тўланадиган ёрдам пулидан умид қилиш мумкин бўлади, холос.



Хитой ҳукумати мамлакатнинг 18 та шаҳрида янги темир йўл лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилди, дейилади "China Daily" нашрида.

Йирик темир йўл лойиҳаси

Ушбу мақсад рўёби учун 800 миллиард юан (127 миллиард АҚШ доллари) миқдорда маблағ ажратилиб, худудлардаги ер ости ва ер устки линияларни жуда катта ҳажмда кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Масалан, 2020 йилгача метро йўлларини 7 минг километрга етказиш режалаштирилган. Бу ҳозирги кунга нисбатан тўрт қарра узаяди, деганидир.

Мутахассисларнинг фикрича, Хитой ҳукумати инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодий инқироз таъсирини юмшатишга эришиш ниятида.

«Ўғри» китобхон

Япония полицияси камдан-кам қузатиладиган ҳуқуқбузарликни аниқлади.

Улар 61 ёшли Мицуку Суицу исмли фуқарони кутубхоналардан катта миқдордаги асарларни яширин олиб кетганликда айблаб, қўлга олишди. Жиноятчининг уйи текширувдан ўтказилганда, ўғирланган 900 та китоб топилган. Тергов жараёнида маълум бўлишича, Мицуку ушбу китобларни кутубхоналардан бирма-бир ўқиш учун олиб, қайтармаган.

Ҳайритабиий китобхоннинг кутубхоналарга етказган жами зарари икки миллион иенага (25 минг АҚШ доллари) баҳоланди. Қонунга хилоф равишда



қилган хатти-ҳаракатлари учун Мицуку ўн йил қамқоқ жазосига ёки 500 минг иена миқдорда жаримага тортилиши мумкин.

Чумолининг янги тури

АҚШнинг Шимолий Каролина университети олими Роб Данн чумолиларнинг янги турини топишга муваффақ бўлди.

Бу ҳақда "New York Post" нашри хабар тарқатди. Тадқиқотчининг айтишича, ҳаммаси тасодифан юз берган. Яъни у сайр қилиб юрган вақтда чумолилар тўдасига дуч келади. Шунда улардан намуна олиб, текшириб кўришга қарор қилади. Яқунда ушбу хашаротлар олдин фанга маълум бўлган 13 минг турдаги чумолилардан мутлақо фарқ қилиши ойдинлашган.

Танаси Шимолий Американинг одатий чумолиларидан кичикроқ, Европада учрайдиганларидан эса каттароқ бўлган янги турдаги чумолилар, асосан, таркибда маккажўҳори шарбати мавжуд озиқ-овқат қолдиқлари билан озиқланар экан.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон спорт кино-ва телевидениеси федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, "Фонд Форум" ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиладиган "Спорт кино ва телевидениеда" VII Халқаро фестивали бошланди.

Фильмларда — спорт жозибаси

Жорий йилда танлов ташкилий кўмитасига АҚШ, Россия, Испания, Германия, Франция, Италия, Туркия, Австралия, Хитой, Хиндистон каби дунёнинг йигирмага яқин давлатлари кино ижодкорлари томонидан суратга олинган олти мишдан зиёд ҳужжатли фильмлар тақдим қилинди. Фестивалда, шунингдек, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси "Спорт" телеканали, "Ўзбектеле-

фильм" давлат унитар корхонаси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳамда нодавлат телеканал ва киностудияларнинг юртимиз спорти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлари, телевизион очерк, ижтимоий ролик ва репортажлари ҳам намоийш этилмоқда.

— Мазкур тадбирни юқори савияда ўтказишга, унда юртимиз кино ва телевидение ижодкорлари,

айниқса, ёш истеъдод эгаларининг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси раиси Собиржон Рўзиев. — Яна бир қув-

Маданият хабарлари

лаётган юсак муваффақиятлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Айтиш жоизки, "Спорт кино ва телевидениеда" халқаро фестивали 2005 йилдан буён аънаванавий равишда ўтказиб келинмоқда. Аввалги йилларда фильмлар Республика киночилар уйи ва Олимпия шон-шухрати музейида намоийш этилган бўлса, жорий йилда картиналарни Марказий офицерлар уйи қошидаги "Kino olami" кинотеатрида бепул томоша қилиш имконияти яратилди.

Пойтахтимизда "Вьетнам маданияти кунлари" бошланди. Мазкур тадбир Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигига 20 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилмоқда.

Вьетнам маданияти кунлари бошланди

Тадбир доирасида Ўзбекистон давлат санъат музейида "Вьетнам — чексиз гўзаллик" деб номланган бадиий фотокурғазма очилди. Унда ушбу мамлакат тарихи, ноёб маданияти, анъаналари билан яқиндан танишиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказиладиган гаала-концертда ҳам Вьетнамнинг бой ва гўзал маданияти намуналари намоийш қилинади.

"Вьетнам маданияти кунлари" 8 сентябрга қадар давом этади.

Соодат УСМОНОВА.



Валенсия саҳнасида — ўзбек рақси

Испаниянинг Валенсия шаҳрида ўтказилган музика ва миллий рақс бўйича халқаро фестивалда юртимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

Хусусан, мамлакатимизнинг Испаниядаги элчихонаси ҳамда "Фонд Форум"нинг Мадриддаги ваколатхонаси кўмағида мазкур халқаро танловда илк бор қатнашган "Сабо" рақс ансамблининг чиқишлари санъат илҳосмандлари катта таассурот қолдирди. Ансамбль ўзбек рақс санъатининг нодир дурдоналарини маҳорат билан ижро этиб, "Муҳлислар олқишига сазовор бўлган жамоа", дея топилди.

Ирода НАБИЕВА.

«Ўзбекнефтогаз» миллий холдинг компанияси «Ўзнефтогазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси Шўртан газ-кимё мажмуаси қўйидаги товар моддий бойликлар сотиб олиш юзасидан 09/12-сонли тендер савдосини эълон қилади:

| Лот сони | Номи | Миқдори |
|----------|---|--|
| Лот № 1 | Пиролиз печларининг радиантили қувурлари ВА-1103 қувур-63,5 мм. OD х6.4. MW х 2725 мм. узунлиги қувур-63,5 мм. OD х6.4. MW х 11590 мм. узунлиги | 68 дона 68 дона |
| Лот № 2 | Пиролиз печларининг радиантили қувурлари ВА-1103 қувур-114,3 мм. OD х6.4. MW х 13850 мм. узунлиги қувур-114,3 мм. OD х6.4. MW х 1314 мм. узунлиги | 18 дона 18 дона |
| Лот № 3 | Пиролиз печларининг Вентури қувурлари ВА-1103 Forged steel Seamless Steel O.D.42,2 мм. х 3,56 мм. AW Thk X796 Long Seamless Steel O.D.42,2 мм. х 3,56 мм. AW Thk X636 Long Seamless Steel O.D.13,7 х 1 65 AW х 30000 random length | 64 дона 32 дона 32 дона 100 метр |
| Лот № 4 | Пиролиз печларининг конвекцион қисми қувурлари ВА-1103 Чоксиз пўлатли қувур (ковурғали) O.D.141,3 мм. х6,55 AW х 13805 мм. узунлиги (2 қисмдан иборат 6670 мм.+7135 мм.) Чоксиз пўлатли қувур (ковурғали) O.D.141,3 мм. х6,55 AW х 13670 мм. узунлиги (2 қисмдан иборат 6535 мм.+7135 мм.) Чоксиз пўлатли қувур (ковурғали) O.D.141,3 мм. х6,55 AW х 14805 мм. узунлиги (2 қисмдан иборат 7670 мм.+7135 мм.) Қўйма пўлатли чоксиз ретурбент O.D.141,3 мм. х6,55 AW қалинлиги (R=1,0 D, 180) Қўйма пўлатли чоксиз тирсақ (отвод) (90) O.D.141,3 мм. х6,55 AW қалинлиги (R=1,5 D, 90) | 5 дона 5 дона 5 дона 8 дона 4 дона |

Тендер тақлифлари 27 сентябрь куни соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Тендер тақлифи бир шартнома доирасида 1 000 000 АҚШ доллари миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан қўрғони. Тел./факс: (+99875) 780-87-74. Факс: (+99875) 221-09-04/ 221-08-46. Электрон почта: tender@sgcc.uz

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2012 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулк объекти қўйилади:

ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2012 йил 15 июндаги 2786/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Окдарё тумани, «Қоратери» ҚФЙ, Р. Ҳамроев массивида жойлашган 2 қаватли қишлоқ хўжалик махсулотларини қуриштиш ва қайта ишлаш ҳамда гилам ишлаб чиқариш цехи комплекс бино иншоотлари. Умумий майдони — 17 900,0 м.кв., фойдали майдони — 3 996,88 м.кв.

Бошлангич баҳоси — 2 250 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда уни сотиш юзасидан ўтказиладиган

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.

Лицензия: № RR-0017.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган махсулотни сотади. (ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Сертификатланган

SUVMASH ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008 Certified Management System

НАСОСЛАР тайёрлайди ва таъмирлайди

«Д» «ЭЦВ» «К» «НК» «СНЭ»

«ЭЦВ» РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛАНГАН «Д» РУСУМЛИ ЁТИҚ «К» РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН «НК» НЕФТЬ НАСОСЛАРИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13. Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08. E-mail: office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru sales@suv mash.uz www.suv mash.uz

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканной основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўзининг маъмурий биноси ичига батареяли иситиш тизими ўрнатиш бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади.

Тендерда қатнашиш истагидаги корхона ва ташкилотлар жорий йил 25 сентябрь куни соат 18.00 дан кечиктирмасдан ўз тақлифлари бўйича ҳужжатларни идоранинг хўжалик ишлари бўйича бўлимига тақдим этишлари лозим.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 150-64-17, 150-64-32.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси таҳририят ходими Саиджон Махсумовга падари бузруквори Қосимжон БОҚИЖОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Истиклол шарофати туфайли Термиз, том маънода, мамлакатимиз жанубининг олтин дарвозасига айланди. Шаҳарсозликнинг сўнгги ютуқлари асосида қурилган янги бино-иншоотлар, тураржойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари унинг чиройини буткул очиб юборди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган улкан спорт мажмуаси сурхон ёшлари учун энг яхши совға бўлса, муҳташам "Бахт уйи"да воҳалик йигит-қизлар янги ҳаётга илк қадамларини қўймоқдалар. Термиз давлат университетининг янги биноси кўҳна шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Бу ерда бўлажак мутахассисларнинг касб сирларини пухта эгаллашлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Ўзбекистоннинг бугуни ва истикболни Сурхондарёсиз, ҳимондўст ва ориятли одамларининг бой маънавиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жануб офтобидан нур олган сурхондарёликларни мамлакатимизнинг бугунги тараққиотида ўзига хос

ўрни ва нуфузи бор. Воҳада Истиклол йилларида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари жадал ривожланмоқда. Қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари кўлами эса тобора кенгаймоқда.

Бугунги саҳифамизда фидойи Сурхондарёликлар, улар амалга ошираётган ибратли ишлар, воҳанинг ўзига хос осориатқалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Обод манзиллар

Истиклол шарофати туфайли Термиз, том маънода, мамлакатимиз жанубининг олтин дарвозасига айланди. Шаҳарсозликнинг сўнгги ютуқлари асосида қурилган янги бино-иншоотлар, тураржойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари унинг чиройини буткул очиб юборди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган улкан спорт мажмуаси сурхон ёшлари учун энг яхши совға бўлса, муҳташам "Бахт уйи"да воҳалик йигит-қизлар янги ҳаётга илк қадамларини қўймоқдалар. Термиз давлат университетининг янги биноси кўҳна шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Бу ерда бўлажак мутахассисларнинг касб сирларини пухта эгаллашлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Бу довюрак ва ўктам халқнинг — Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган шижоат яшайди.

Ислом КАРИМОВ



Водийларнинг кезгачида... яёв

Бахриддин аканинг ҳовлисида кирган киши хайратланиши табиий. Негаки, ҳовлида ўстирилаётган турфа навли манзарали дов-дарахтлар, бир неча турдаги олма, олхўри, шафтоли, ёнғоқ дарахтларнинг шигил-шиғил меваларидан кўз узолмайсиз. Томорқа гирдидаги нақд осмонга бош тираб турган, ҳар бири кучоққа сигмас теракларни айтмайсизми?!

Ҳовлидаги хазина

— Шу мўъжаз боғ — оиламизнинг асосий тирикчилик манбаи, — дейди хонадон соҳиби. — Бурчагидаги нақш олмавларни кўраёсизми? Ҳам чиройли, ҳам карсилланган, бозорги олмалар. Яна яхши томони, пўсти қалин бўлгани учун қишда ҳам сифатини йўқотмай, янги узилгандек тураверади. Шунинг учун ҳам харидори кўп. Олма пишмасдан "закалат" бериб кетишади...

вақтни беҳуда ўтказмайди. Катта кичик боғ оралайди. Дарахтлар тагини меҳр билан олмаштириб, маҳалли ўғит солишади. Меъёрида сугоришади.

Ҳамқишлоқлари бу боғларнинг ўрни бир пайтлар тошлок ер бўлганини яхши билишади. Бугун бу ажабтовур боғни кўриб, инсон меҳнати, иродасига қойил қолишади.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди уста боғбон. — Шу тошлок устига солинган унумли тупроқ эвазига бугун боғимиз мўл ҳосил бераёпти.

— Боғингиздан бир йилда қанча даромад оласиз? — қизиқиб сўраймиз. — Э, буни ким ҳисоблабди, дейсиз, укажон, — кулади Бахриддин боғбон. — Шу боғ туфайли уй қураёмиз, тўй қиляёмиз. Шу-да энди...

Сина қишлоғида Бахриддин Бобоевга, унинг серфайз, аҳил оиласига ҳаммининг ҳаваси келади.

Т. МУРОДОВ.

Тадбиркорлик

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли марказдан олина, чекка қишлоқларда ҳам кўплаб корхоналар фаолият юрита бошлади.

Ҳар кунини бир янгилик

Жумладан, бизнинг "Хуршид" хусусий корхонамиз ўз фаолиятини бошлаганида бу ерда атиги 2 нафар киши ишлаган бўлса, бугун уларнинг сони 25 нафарга етди. Эндилкида корхонамизда ишлаб чиқарилаётган кўркам, пишқ ва мустаҳкам мебелларни вилоятимизнинг барча туманларидаги мактаб ва коллежларда, ташкилот ва муассасаларда учратиш мумкин. Махсулотларимиз бугун нафақат ички бозорда, қолаверса, хорижда ҳам харидоригир. Бундай муваффақиятларга жамоамиз мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилган кулай инвестиция муҳити туфайли эришмоқда.

наётган баъзи хом ашё махсулотларини ўзимизда тайёрлаш имконини бераёпти. Янги иш ўринлари яратилаётган. Масалан, корхонамиз қошидаги тикувчилик цехида 5 нафар тикувчи ишлайди. Улар томонидан мебеллар учун устки жилдлар, уй бекаларининг буюртмалари асосида элита пардалари тайёрланмоқда.

Яқинда корхона қошида пеноблок гиштлар тайёрлаш цехини ҳам ишга туширдик. 10 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланган цехимизда тайёрланаётган деворбоп материалларга буюртмалар тушиб турибди.

Яна бир янгилик. Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотлар учун ишлатиладиган металл қисмларининг аксариятини, жумладан, энг зарур шрувларни ҳам ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйдик.

Ишнинг унуми ва сифати, кўп жиҳатдан, ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Шунинг ҳисобига олиб, жамоамиз аъзолари учун бепул иссиқ овқат ташкил этганмиз. Барча кулайликка эга шимам дам олиш хонаси ҳам улар ихтиёрида.

Тоғир ТўРАҚУЛОВ, Бойсун туманидаги «Хуршид» хусусий корхонаси раҳбари.



Зараутсойдаги қоятошларга битилган қадимий суратлар бундан етмиш йил муқаддам овоза бўлган эди. Ушанда йўқолган эчкиси изидан қоя белидаги камарга чиқиб борган Рауф исмли ўн яшар бола ҳайвон, одам ва бошқа нарсаларнинг тошлардаги қизил суратларини кўриб, ҳайратга тушганди. Термиз шаҳридан 110-120 километр олдидан жойлашган Зараутсой водийсидаги тош даври одамларининг бу ижод маҳсули маънавиятимизнинг нодир ёдгорлиги ҳисобланади.

Зараутсой мўъжизалари

Суратлар тошларнинг сиртига икки хил усулда — чўкичлаш ва табиий бўёқлар ёрдамида ишланган. Олимлар олиб борган тадқиқотлар натижасида қизил табиий бўёқ — оҳра билан чўп, қамиш, суюқ ва қушларнинг пати воситасида Зараутсой қояларига ишланган тасвирлар ибтидоий замоннинг мезолит даврига, яъни бундан 8-6 минг йиллар илгари ўтган ўрта тош асрига оидлиги аниқланган. Зараутсойдаги тасвирлар Сурхондарё воҳаси энг қадимий маданият бешикларидан бири бўлганлигини аниқлатади. Ушбу "тошкитоб"лардаги ижод намуналари ибтидоий даврда яшаган аждодларимиз ҳаёт кеңириш учун тоғма-тоғ юриб, ёввойи ҳайвонларни овлаш билангина қийоқланмай, балки санъатга ҳам ошно бўлганликларидан гувоҳлик беради.

Ўтган асрнинг 40-йилларида Зараутсой қоятош ранг-тасвирларини ўрганиш мақсадида махсус

экспедиция ташкил этилган. Г. В. Парфёнов раҳбарлигидаги махсус экспедиция қоятош қизил суратлари билан танишган. Археологик текшириш пайтида обиданинг шимолги қисмидан пичоқ вазифасини ўтаган ясси чақмоқтош топилган. Дулдул ота

Хайрат

ғоридаги маданий қатламларни тозалаш пайтида эса бу ер тош даври ибтидоий одамнинг жойи бўлганлигини кўрсатувчи ашёвий белгилар чиққан. Экспедиция ишининг натижалари ҳақида Г. В. Парфёнов куйидагиларни ёзиб қолдирган: "...яхши сақланган ранг-тасвир панноларда ибтидоий даврда жамоа бўлиб мол подларини овлаш бўйича турли сахналар акс этган. Одамлар расмининг жойлашувига қараб, улар ўртасида вазифалар қатъий тақсимланганини кўра-



миз: овчилар пистирмада турибдилар, пода қувловчилар, соқпон ва бумеранг отувчилар, ўқ-ёйчилар бор. Овда болалар ва аёллар ҳам қатнашмоқда..."

Мустақиллик йилларида бу ёдгорликни асраб қолиш, уни муҳофаза қилиш ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда 2004 йили Сурхондарёда "Зараутсой" нодавлат нотижорат жамоатчилиги маркази фаолият юрита бошлади. Эндилкида марказ ходимлари бу ноёб ёдгорликларни асраб-авайлаш, янги қирраларини очиб устида изланишлар олиб боришмоқда.

Замонлар ўтса-да, сўлим тоғлар бағридаги Зараутсой ёдгорлиги келажак авлодларга аждодларимизнинг ўлмас маънавий меросидан, санъатсеварлигидан дарак бериб тураверади.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ, «Зараутсой» нодавлат нотижорат жамоатчилиги маркази раҳбари.

Фермернинг интенсив боғи

"Хумоюн — А" фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Адҳам Мўминов янгиликка ўчилиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги билан эл орасида танилган.

У ўтган йили банкдан 180 миллион сўмлик кредит олиб, 3 гектарлик интенсив боғ яратди. Ташаббускор йигит дастлаб хорижда бориб, пакана бўйли, серҳосил олма навлари етиштириш технологиясини ўрганиб қайтди. Орттирилган тажриба янги боғнинг гуллаб-яшнашида асосий омил бўлди. Шу кўзнинг ўстида фужи, грасмед, голдендел, гала, жарсмак навли олма кўчатлари ўзининг илк ҳосилини беради. Шигил ҳосилга кирган олмазорлар устига соябонлар тортилган. Булар оғтоб замирасини қайтарди, ҳосилни дўл ва кучли ёмғирдан асради. Мева эса чиройли ва ширали бўлиб етилади. Янги боғ томчилатиб сугорилди.



Замондош фермер. — Томчилатиб сугориш сувни тежаш, сарф-харажатларни камайтириш билан бирга, маҳаллий ва минерал ўғитларнинг тўғридан-тўғри кўчат томирига тушишига имкон ҳам беради. Фермер кўзда ҳар гектар бугдан 15 тоннадан олма етиштиришни кўзлаб турибди. — Яна икки йилдан кейин бу боғлардан гектар ҳисобига 70-80 тоннагача ҳосил олиш мумкин бўлади, — дейди у.

Аслиддин ҲАЗРАТҚУЛОВ.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.05 Топпирилди — 23.45 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жойнихонов. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.